

НОҚОНУНИЙ ТАҒТИШ... КЕЛТИРДИ ТАШВИШ

Хоразм вилоят ҳўжалик суди ушбу текширишларнинг ноқонуний ўтказилганлигини бандма-банд кўрсатиб, изоҳлаб берган. Ва текширувчи томоннинг даъвосини тўлиқ рад қилган. Бу билан ҳамма қонунбузилиш ҳолатлари ойдинлашган. Аммо фуқаролик суди шу текширишни қонуний деб топиб, Ю. Саъдуллаевни жаримага тортган, жиноятчига — "ўзлаштирувчи"га айлантирган! Бунга нима дейсиз?! Нима, бизда қонун ҳар хилми?

2-бет

Россия-Грузия: ЖОСУСЛИК ҲАМ ҲАҚИҚАТ

Улар ортида қандай сиёсий манфаат яширинган? Россия президенти Владимир Путин Грузия масаласида АКШ раҳбари Жорж Буш билан телефон орқали суҳбатлашди. Россия раҳбари Оқ уй етакчисига Михаил Саакашвилининг минтақада беқарорликка сабаб бўлаётган сиёсатини қўллаб-қувватламасликни маслаҳат берди...

3-бет

СУЗОҚДАН ПАРИЖГА ОТ-АРАВАДА

Зиёвуддин Мамажонов бошлик экспедиция Францияда бўлган кезлари маҳаллий газеталар, радио бу воқеа ҳақида кўп ёзишди, эшиттиришлар ташкил этишди. Ҳатто, марказий "Республикан" газетаси ўзининг биринчи саҳифасида катта мақола эълон қилди. Дарҳақиқат, Зиёвуддин президент Жак Ширак билан учрашиш ниятида бўлган. Унга атаб бир шамшир ҳам олиб борганди.

4-бет



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

1996-yil dekabr dan chiqib boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 40 (502) 2006-yil 4-oktabr

Жараён

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЖУРНАЛИСТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Ривожланган дунёда журналистларни «демократия пост-бонлари» деб аташди. ОАВ ходимларига бундай таъриф-ташбеҳ берилиши бежиз эмас. Бу оммавий ахборот воситалари демократик оқил давлат, фуқаролик жамияти қуришда халқ қилувчи ўрин тутганидан далolat.

Юртимизда демократик ислохотлар амалга оширилаётган илк даврлардан фуқаролик жамиятининг муним бугунги сифатида оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани сир эмас. Ҳўш, ОАВ мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликни ва ислохотлар, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида қандай ўринга эга? Бугунги кунда миллий журналистикамиз олдига турган муаммо ва вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан пойтахтимизнинг «Марказий» меҳмонхонасида ташкил этилган медиафорум ана шу долзарб масалаларга бағишланди.

Икки кун давомида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган журналистлар ислохотлар жараёнида ОАВ фаолиятини янада жонлаштириш, нуфузини ошириш, матбуот наشرлари саҳифаларини жамият ҳаётида кечяётган воқеалар хусуси-

даги тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияли материаллар билан бойитиш борасида фикрлашди. Очик мулоқот ва баҳсу мунозара руҳида ўтган тадбир давомида журналистлар томонидан соҳага доир муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди. Аслида ҳам ижтимоий фикр шакллантирувчилари бўлган журналистлар иш-тироқчида ҳамма тадбир ана шундай руҳда ўтмоғи лозим.

— Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Лекин шу билан бирга журналистикамиз олдига турган муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди, — деди Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолдин Ҳақимов. — Шундай экан, келинлар, олдимиздаги муаммоларни очиб баён қилиб, унинг ечимларини излайлик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий журналистикамиз олдига ўта муҳим вазифа ва муаммолар турганини бир наҳза ҳам унутиб бўлмайди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги маълумотларига қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда 970 та ОАВ фаолият юритмоқда. Юртимизда матбуот ва Интернет наشرлари, телерадиостудиялар сонига тобора ошиб бораётгани, албатта, ижобий ҳолат. Бироқ ҳали ҳам ОАВ фаолиятида жиддий камчиликлар учраб турибди. Хусусан, матбуот наشرлари — газета ва журнал материалларида айрим ҳолларда чўқур таҳлил ва оригинал ёндашув етишмайди. Бу бевосита журналистлар-

нинг билим, малака ва ижодий маҳоратига боғлиқ. Айни масала муҳокамаси жараёнида медиафорум иштирокчилари матбуот наشرлари савиясининг ҳаминқадар бўлиб қолаётганига кадрлар муаммоси ҳам жиддий таъбир кўрсатаётганини эътироф этишди. Медиафорум иштирокчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ҳар йили юзлаб талаба битиради. Бироқ асосан вилоятлардан келган талабалар ўз туғилиб ўсган жойига қайтмасдан пойтахтда ишлаб қолмоқда. Буни сиёсатчилар урбанизация деб аташди ва мазкур табиий жараёни мажбурий йўл билан тўхта-тиб бўлмайди. Шу боис вилоят ва туман наشرлари муҳаррирларига талабалар тахсил олаётган пайтда оқил улар билан ижодий ҳамкорлик ўрнат-тиш, уларга моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ва таърият ишига жалб этиш тавсия этилди.

— Мустақил босма оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз ахборот майдонига яшаш, ўз муҳлисларини топиб, улар эътиборини қозониши осон эмас, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғулломов. — Рақобатга ҳамма ҳам бардош беравермайди. Соҳанинг ҳақиқий фидойилари, шу билан бирга ижод-дагина эмас, тадбиркорликда ҳам моҳир таҳририятлар ўз ўрнини сақлаб қолади.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги бозор иқтисодиёти муносабатлари журналистлардан ижод ва иқтисоди бир-варакайига тенг оlib бориши талаб қилмоқда. Чунки эркин бозор иқтисоди шароитида журналистлар ижодкор баробарида тадбиркор ҳам бўлимоғи лозим. Ана шу ҳаётий заруратни инобатга олиб медиафорум доирасида босма наشرларнинг иқтисодий асосларини ташкил этиш борасида ҳам алоҳида маъруза ва машғулот ташкил этилди.

— Матбуот наشرлари иқтисодий муваффақиятга эришиши, очикроқ айтганда, фойдага чиқариш учун журналистлардан чўқур иқтисодий билим талаб эти-

лади, — деди «Бизнес вестник Востока» газетаси ҳамда www.uzreport.com ахборот портали муҳаррирлар кенгаши раиси Равшан Жўраев. — Бунинг учун бош муҳаррир уч муҳим омил, яъни ахборот, кадрлар ва молиявий фаолиятни тўғри бошқара олиши керак. Шунингдек, тадбир доирасида таҳририят фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши, Интернет наشرлари ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари мавзусида ҳам семинар-тренинг ўтказилди.

Хабарингиз бор, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувват-



лаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз матбуот наشرларини грант ажратиб йўли билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳозирги кунда 10 дан ошқ матбуот ва Интернет наشرлари фонд томонидан ажратилган грант бўйича ижтимоий ҳаётда долзарб масалаларга бағишланган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Айтиш кераки, грант лойиҳаларида иштирок этаётган ана шу матбуот наشرлари орасида «Hurriyat» газетаси ҳам бор.

Медиафорум якунида фонднинг навбатдаги грант талови ғолиблари эълон қилинди ва 30 га яқин газета ва журналларга сертификат ҳамда фонд томонидан ажратилган компьютер, принтер, сканер, рақамли фотоаппарат каби техника воситалари топширилди.

— «Сариосиё» газетаси пойтахтдан 800 км жанубда яшай этилиди. Лекин орадаги шунча узок масофага қарамай, жамоат фонди грантлари Сурхондарёга қадар етиб боргани бизни қувон-

тирди, — дейди грант ғолибларидан бири, «Сариосиё» газетаси бош муҳаррири Абдурахим Раҳмонов. — Биз грант лойиҳаси учун бугунги кунда мамлакатимиз, хусусан, ҳудудимиз учун жиддий масала бўлиб қолаётган экологик муаммолар мавзусини танлади. Бир йил давомида аҳолининг саломатлигига, миллий генфондида хавф солаётган муаммолар ҳақида чўқур таҳлилий материаллар эълон қилишни режалаштирганмиз.

Фаргона шаҳрида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими муассислигида чоп этиладиган «Қалб садоси» газетаси ҳам жамоат фонди гранти ғолиблари қаторидан жой олди. Газета бош муҳаррири Энаҳон Сиддикова таҳририят томонидан тайёрланган лойиҳа хусусида ўз фикрларини билдирди.

— Бугунги ёшлар жуда катта ахборот оқими ҳўкморлиги муҳитида воғна етишмоқда. Бундай шароитда эса турли сиёсий максдаларни қўлаган кучлар ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилиши табиий. Оқидий мисол. Яқинда АҚШда бир хонали уйда истиқомат қилувчи бола ўз онасини паства ташлаб юборгани тўғрисида хабарлар тарқалди. Бироқ негандир журналистлар фожиянинг сабабини фахатгина уй тақчилиги билан изоҳлашга уринишди. Аслида эса бу маънавий муаммонинг ўзгаси. Айтмоқчи бўлганим, бугунги пайтда миллий маънавиятимизга таҳдид солаётган омилилар кўп. Шу боис ҳам биз лойиҳа учун ёшлар сиёсати, ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва экстремизмга қарши кураш мавзусини танлади. Мақсадимиз — ёшларимизда соғлом шахсий фикрни шакллантириш.

Икки кунлик медиафорум якунланди. Республикаимизнинг турли нукталаридан келган журналистлар соҳага доир долзарб масалалар борасида ўзаро фикр алмашишди. Энди асосий гап тадбир давомида илгари сурилган ижобий ташаббуслар ва тажриба, муаммолар ечими борасидаги тақлифларни амалга оширишда қолди.

С. КАМОЛ

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна давом этмоқда!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз! Наур кўрсаткичи — 233

Мавсум

Ёзёвон мамлакатимизда биринчилар қаторида ҳўжалик юретишнинг фермерчилик усулига тўлиқ ўтган туманлардан. Ўтган уч йил кишлоқ ҳўжалигидеги ислохотлар қандай йўлдан бораётганини яққол кўрсатиб берди.

ЁЗЁВОН: ТААССУРОТ ВА САБОҚЛАР

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилоят бўлими ташаббуси билан ОАВ ходимлари Ёзёвон далаларида бўлиб, фермер ва ҳашарчилар билан учрашди



Ширкат ҳўжаликлари ўрнида ташкил қилинган 600 дан зиёд пахтачилик ва галлачилик фермер ҳўжаликлари туман иқтисодиётининг мустақилдан бирига айланган. Масалан, «Ўзйўл» фермер ҳўжалиги дастлабки йилда 29 гектарда деҳқончилик қилган. Фермер Араббой Болтабоев оиладаги 10 ўғлининг тўнғичи. У умирини пахтазорда ўтказган отасининг ўғлиларини кўп бор тинглаган. Биринчи йилиёқ режаларни ортиги билан бажарган. Даромадни жаллаб лизингга қатор орасига ишлов берадиган трактор олди. Бу йил фермер ҳўжалиги 161 гектарда деҳқончилик қилляпти. 4 йилда 4 та трактор сотиб олди.

— Агар фермерга солиқ имтиёзи, кичик банлар очилиб имтиёзи кредит берилганда, даламизнинг тепасига ёни-ли, ўйит ўз вақтида келтириб турилмаганда шундай натижа-ларга эришиб бўларми? — деди тўсатдан Араббой. — Фой-даннинг бир қисминини қишлоқни обод қилишга, мактаб-боғча-ларга, кам таъминланган оила-ларга ажратди.

«Ўзйўл» — фермер ҳўжалигида 60 киши меҳнат қилади. Ўртача иш ҳақи 60 миғ сум экан.

— Ил йилида эса у 100-120 миғ сумга етади. Биз йил-лик якуний даромадини аъзолар ўртасида бўлишамиз. Араббой бу сўзларни дадиллик билан яйраб айтди. Афсуски, барча фермер ҳўжаликларида бир хил манзара эмас. Хирумони абор фермерлар ҳам озма? Уларга ишониб ишлаган деҳқонларнинг иқтисоди нима бўлади ахир? Даро-мад ўрнига товон пули тўлашга мажбур бўлганлар-чи? Бундай фермерларнинг қўлини танийман. Илгарилари бири тажрибали сувер, яна бири моҳир механизатор эдилар. Қалби пок, меҳнаткаш инсон сифатида қишлоқда обрў тоғданлар. Аммо 40-50 гектар ер олиб фермер макомига эришди-лар, зардаси қайнаган одамга айландилар-қолдилар. Бундай но-хўш ҳоллардан қандай қутлиш мумкин?

Биринчидан, «Ўзйўл» каби фермер ҳўжаликлари аста-секин йириллаштириш, яъни «синган» фермер ҳўжаликлари ерини уларга қўшиб бериш; Иккинчидан, фермерга техника сотиб олиш учун кредит фонзини қаматириш, мuddатини узайтириш; Учуниндан, тўлов имтиёзини мустақамлаш, яъни фермер-дан сотиб олинган махсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш; Тўртинчидан, фермерлар учун мунтазам равишда иқтисодий ўқув ва тажриба алмашишни ташкил этиш лозим деб ўйлаймиз.

Биринчи шартни бажариш қонунчилик ўзгартириш киритиш, яъни ердан унумли фойдаланган фермерга уч йиллик мuddатни қисқартириш керак. Иккинчи шарт эса 50-100 гек-тар ери бўлган фермер 80-100 миллион сум турадиган ком-байн ёки ер ҳайдаш трактору ҳақини белгиланган уч-беш йилда қандай қилиб тўлайди? Бундай техникага етти-ун йил-лик кредит мuddати талаб қилинади. Учунчи шарт муҳимлиги жиҳатидан бошқалардан кам эмас. Фермер махсулот етишти-риш учун имтиёзли бўлса-да кредитига устама фонд тўлай-ди. Лекин тайёрлов идоралари фермердан сотиб олган мах-сулот ҳақини йил давомида бўлиб-бўлиб тўлайди-ю, ўтган, кечиккан мuddатда устама фонд тўламайди.

— Шу кун Езёвон чўларининг қичқичида деҳқончилик қилаётган Шаробиддин Исмоилов бош «Ҳўмо» фермер ҳўжа-лигида ҳам бўдим. Журналист ҳамкасбларим дастлаб этак тутиб пахта тердилар. Сўнг Шаробиддин ҳам, фермер ҳўжа-лигининг илгор теримчилари Дилоромхон Маматова, Муъта-бар Хаитова, Сабоҳат Усмонова ва бошқаларни роса соволга тутди.

Тушликда эл севган хонанда Шахноҳон Рустамова бошчи-лигида гуруҳ катта концерт қўйиб берди. Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимов янги ёзган шеърларидан ўқиди. Ёзёвондан қайтар эканмиз, «Ўзбекистон овози» газетаси-нинг вилоятдаги муҳбири Алишер Ибодидinov, «Фаргона ҳақиқати» газетасининг бўлим муҳбири Ҳақимжон Нуриддинov, «Ўзбекистон» телерадиоканали муҳбири илҳом Эшматов ва бошқа журналистлар бугун ўзлари кашф этган ҳақрамонлари, ёзилажак лавҳа, битиклари ҳақида баҳслашар адиллар...

Мухаммаджон БИДИОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ш. Қорабоев олган сурат

Ол-а!

Ўрикзор мавзесида жойлашган «Карвон бозори» ҳар доим одамлар билан гавжум. Кираверишдан чил томондаги сотувчи қайтишга майда пули йўқлигини баҳона қилиб, ўрнига шоколад олишимизни тавсия қилди. Ча-мада 50 сўмлик, ушандан икки дон олдик. Четдан ту-риб кузатиб турган халиғи савдогар:

— Эй, камтар қизлар-ей, иккита бўлмаса 4-5 та ола-вермайсизми, бу дўкон ме-ники эмас, эгаси бошқа, — дея пичинг оҳангиде кулди. Ҳеч нарса ни тушунмай халол лўқмамиз ҳисоблам-миш шоколадни олиб уйга жўнадик. Еш бола ширинлик шайдоси эмасми, кечга яқин берган ўша шоколадни Сар-дор сабрсизлик билан очди. Не кўз билан кўрайликки, шоколадни сирти оппоқ, худ-ди бўрга ўхшарди. Очилма-ган ҳолатда обрўси бошқа-лар билан баробар бўлган «Vinni» шоколадларининг асл башараси намоян бўлганда бир тийинлик ҳам қиммати йўқлиги аён бўлди.

Шуларга ойдинлик кири-тиш мақсадида яна ўша... сав-догарнинг ҳузурига йўл ол-дик. Бу гал сотувчи — аёл ёнида ўшанда вақтинчалик сотувчилик вазифасини ба-жарган 3-4 та ёш йигитлар турарди. «Оҳақ шоколадлар-»нинг асосий эгаси шу аёл-нинг ўзи экан. Шу сабабли унга савол билан мурожаат этдик:

— Кечирасиз, сизда «Vinni» номли шоколад борми?

— Нега айнан шу шоко-лад керак бўлди сизга, мана бошқа хиллари ҳам бор-ку...

Атайлаб савол билан қитиллаб кўриш мақсадида:

— Назаримда, аввал айнан шу дўконда кўргандин-ов...

— Йў-э, биз унақа шоко-лад олганмиш ҳам, сотма-ганмиш ҳам.

— У ҳолда мана буларни йўлдан топиб олган эканман-да, — дея истеҳзо билан бо-яги иккита оҳақтошни кўрсат-

дим. Энг ачинарлиси, сотув-чи ўзининг қилган қинғир ишидан уялиш ўрнига, ак-синча, ҳеч нарса кўрмаган-дек қикқирлаб кулиб ўтириб-ди-я, тавба!

Кетма-кет берилган савол-лардан довдираб қолган аёл ўзи билмаган ҳолда беихти-

ридан ҳам дейлик, унда уларни сотувдагига аралаш-тиргандан не наф? Шоко-ладларнинг юздан ортиқ тури бор, уларнинг ҳар бири учун алоҳида «қотирилган оҳақ» шакли чиқарилса, бу-тун растанга улар билан тўлдирингиз тўри келадик-ку! Шунинг ўрнига «Sembol» фабрикаси ишлаб чиқараёт-ган турфа ранг этикеткалар-нинг ўзини бўш ҳолича ёпиштириб қўйса, бундан ортиқ реклама бўлмаса ке-рак.

Қўшни савдогарнинг бер-ган маълумотига кўра, бун-дан 2-3 йил олдин ҳам худ-ди шу муаммо юзасидан бо-зорнинг ўртасида жанжал чи-қиб, бир-бирининг устидан ёзишма бўлиб кетган экан. Ушанда сотувчилардан бири худди ҳозиргидек, реклама вазифасини бажарувчи яса-ма шоколадларнинг олти яшигини бошқа савдогарга сотиб юборган. Унинг ичи-даги «оҳақ шоколад»ларни «Vinis» фабрикаси ишлаб чи-қарган экан. Ўша савдогар-нинг айтишича, эсда қолар-ли «шоколад операцияси»-дан кейин девярли ҳеч ким бундай махсулотга буюртма берамаган. Афсуски, кейинги

вақтларда савдо билан шу-ғулланаётган айрим шахслар, кўпчилик харидорлар қалба-ки махсулотга эга бўлиб, фи-рибгарлик қурбонига айла-ниб қолишяпти. Бу муаммо-га бозорнинг ҳар бир бўли-мида назорат учун қўйилган ички ишлар ходимлари, қолаверса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари янада жиддийроқ аҳамият бериб муттасил назорат қилиб тур-салар, асло фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Яна далилларга мурожаат этсак, мана шу «Vinni» ва бошқа турдаги шоколаднинг оҳақли нусхасини «Oqzodi» деган (фаолият юрита бо-лаганига ҳали кўп бўлмаган) цех ишлаб чиқарган. Ҳеч бўлмаса, махсулот билан таъ-миловчи ана шундай фаб-рика ходимлари реклама учун ясалганларини билмас-дан ёхуд бўлиб-билмаганга олиб, راستага чиқариб сотиб юбормангизлар, деб қатъий оғohlантирса бўлмайдими? Сотувчидан ҳам ҳақиқий махсулотни танлаш, эътибор-ли ва синчков бўлиш ҳамда ўз вазифасини холис ва виж-донан адо этиш талаб қили-нади. Ваҳоланки, сохта тад-биркорлик, яъни шоколад-ларнинг орасига қўйибла та-йёрлангангандан қўшиб, та-роздан уриб қолган билан ҳеч ким давлатга бўлиб кет-майди. Аксинча, аҳолининг унга бўлган ишончи йўқола-ди.

Дилафрўз ТўРАҚУЛОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти яси федерацияси диктатига!



— Бизнинг тўққизинчи қаватга сув чиқма-са ҳам, ёгингарчилик пайтида душимиз ишлаб туради...

Абдурашул ҲАКИМОВ чизган

ОҶАҚ ШОКОЛАДЛАР

— Эй, камтар қизлар-ей, иккита бўлмаса 4-5 та ола-вермайсизми, бу дўкон ме-ники эмас, эгаси бошқа, — дея пичинг оҳангиде кулди. Ҳеч нарса ни тушунмай халол лўқмамиз ҳисоблам-миш шоколадни олиб уйга жўнадик. Еш бола ширинлик шайдоси эмасми, кечга яқин берган ўша шоколадни Сар-дор сабрсизлик билан очди. Не кўз билан кўрайликки, шоколадни сирти оппоқ, худ-ди бўрга ўхшарди. Очилма-ган ҳолатда обрўси бошқа-лар билан баробар бўлган «Vinni» шоколадларининг асл башараси намоян бўлганда бир тийинлик ҳам қиммати йўқлиги аён бўлди.

Аҳвол

ЧОРАНИ КИМ КўРАДИ?

Ўтган бир неча йил давомида пойтах-тимиз кўчаларида йўловчилар фойдала-надиган транспортлар сонига баробар ошди. Шу билан бирга тор қўчалар ке-нгайди, янги раён йўллари, ер ости йўлак-лари, кўприклар таъмирланди ва янгидан қурилди. Бунинг замирида қанчалаб ин-сонларнинг меҳнати, давлатимиз раъба-рини ажратган миллийлараб маблағлар етибди. Мақсад эса фақат бир нарсаси қара-тилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-минлаш.

Ҳарақат хавфсизлиги ислохотлари йўловчилар фойдасини қўлаб амалга оширилди. Лекин негандир хавфсизлик қўчилири ривож қилинган кўчига мана шу йўловчилар томонидан содир этил-моқда. Балки ақсарият инсонлар эътибор қилмас, аммо кўп жойларда кўча ён ариқ-ларини ва ерларини темир панжаралар бил-ан ўраб, рўпарасидаги асфальт кўчаларга бетон ётқизиб машина ва пидеалар қат-найилган йўлни ўз мўдига айлантираёт-ганлар учрамоқда. Бу бир томондан қара-

С. КАМОЛ

ганда шахсий ерига қаноат қилмасдан наф-тис эргашиб бўлса, бошқа томондан қонуннинг бузилишидир. Бундан ташка-ри аҳолига ноқулайлик келтириб чи-қаради. Чунки пидеалар автотранспорт қат-нови йўлдан юришга, транспорт бош-қарувчилари эса дўнгликларга қоқилиб, ҳар қандама тезликни ўзгартиришга тўри келадан. Оқибатда машиналар техник жи-ҳатдан шикастланади, ёқилги кўп сарф-ланади, вақт ҳам исроф бўлади. Айниқса, шибоб турган ҳайдовчи учун турли му-аммоларни тузеириши мумкин. Қўчада кетаётган баъзида даҳшатли автоҳалокат-лар гувоҳи бўламиз, ҳодиса рўйхатини ҳи-зога ёмон таъсир қилади. Балки айрим ҳи-зо-катлар шу заримас қўригунга қондабузар-лик сабабидан юзга келад. Чунки бу ҳолат, айниқса, маҳаллар ичкарисидаги кўчаларда кўп учрайди.

МЖТКнинг 147-моддасига асосан, йўлтўсар жарима жазосини олади. Қон-дабузарлик оғир оқибатларга олиб келса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодек-

Суриштирув

Гапни шу йилнинг 7 март куни Хоразм вилоят ҳужалик суди қилган...

барлари устидан очилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси...

зимизни минерал ўғит билан ҳисоблашим мумкинлигини айтдим...

доғ туширмаган инсон. Шунча йиллик фаолиятида жарима у ёқда турсин...

Сийрат

«НАЖМИДДИН ЎЗ МУРОДИГА ЕТСАЙДИ»

(Н. Комилов сиймосига чизилган) «Зиёлилар соғлом дунёқараш учун, фуқаролар эса етук ахлоқ учун масъулдир».

Нажмиддин Комилов асарлари савияси ва салобати билан халқимизнинг тафаккур олами...

Нажмиддин Комилов бўлиб тасаввуфнинг ҳақиқати таълимотни кенг қўламда ўрганиши...

нинг нодир намунаси ҳисобланган «Девони Фойий», «Ситтаи зарурия» қасидатида туркумидан «Насимул худд» (Жаннат шабадаси) қасидасини маҳорат ила тарқиди...



НОҚОНУНИЙ ТАҒТИШ КЕЛТИРДИ ТАШВИШ

юқори ташкилот ҳисобланмиш вилоят ЕЎҚЖга 2002 йилнинг биринчи ярмида жами баҳоси 120000 сўмлик...

риш баённомасини имзолатди. Тўғриси, қизик-да. Вилоят миқёсидagi ташкилотнинг товар бойликлари...

Аммо, қачонки, орадан роппа-роса уч йил ўтган, юқоридagi тергов ҳаракатлари бошланиши билан вилоят ЕЎҚЖдаги маъсул жаноблар нимага...

«2002 йил бошида вилоят ЕЎҚЖ раиси олтинчи сонли буйруқ чиқариб, юқори ташкилотдан мавжуд бўлган 474400 сўмлик қарзимизни тўлаш учун ўн кунлик муддат белгилади...»

Майли, буни уларнинг виждонига ҳавола қилайлик. Юсуфбой Саъдуллаев мазкур тармоқда кўп йиллардан буюн ишлайди...

Тергов давомида очилган «ўзлаштириллар» миқдори ҳам осмон қадар эмас. Ю. Саъдуллаевга тегишли қисми кўпи билан икки ўн мингга борар. Тўлаб қўйса, қутилардику...

Назорат органларининг қонуни менсимасликларини тушуниш қийин. Гап бир-бирига ўхшаш текширишлар ҳақида кетяпти. Хоразм вилоят ҳужалик суди ўшуб текширишларнинг...

«Мен бу ҳолатларга жавоб тополмай ҳайронман, — деб қуянда Ю. Саъдуллаев. — Тўғриси, қонуларга ишонмай қолдим». Биз ҳам бу ачинарли ва кулгили ҳолатга ҳайрон қолдик. Бошимиз қотган...

Набижон БОҚИЙ

Йўғ-э!

Расталарни шошилмай айлаиб, ҳамёнга фояда харид қилиш қони яраша. Бунинг учун дам олиш қони айни муда...

левизорниям қуриб туриш керак. Унда кўп нарсаларни қўрсатишга, ўргатишга...

Биз шошиляпмиз, вақт зик! Европалиқлар ҳам шошиланган да шунақа йўл-йўлақай ейишади...

«Иккинчи қўл»

«Иккинчи қўл» дегани эшитилди. Жамоат жойи деганларидек машинага ҳам ҳил одамлар чиқади деб эътибор бермай кетавердим...

«Иккинчи қўл» дегани эшитилди. Жамоат жойи деганларидек машинага ҳам ҳил одамлар чиқади деб эътибор бермай кетавердим...

«Иккинчи қўл» дегани эшитилди. Жамоат жойи деганларидек машинага ҳам ҳил одамлар чиқади деб эътибор бермай кетавердим...



Абдурашод ҲАКИМОВ чизган

Иқтибос

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»

журналининг навбатдаги 4-сон мундарили қўлига етиб борди. Одатдагидек эълон қилинган энг сара мақолалардан иқтибос келтиришни лозим топдик.

«Ўзбекистон матбуоти» солиб юбордилар ва улар қўшиқчиликни ҳам бир парда юқорига олиб чиқди.

Тўғри, 1970 йилда Самарқанднинг 25 асрлик тўйи нишонланган эди. Келгуси йили шаҳарнинг 2750 йиллиги тантана қилиниши ҳам айни ҳақиқат.

асрлик сана ҳусусида гап-сўз бошлашар эмас. Далиллар пухта ўрганилиб, ҳар томонлама таҳлил қилинди. Утган асрнинг 60-йиллигида археологлар Галина Шиликина, академик Ҳаё Фуломов ва бошқалар ўз илмий мақолаларида Самарқанд қамиди 2500 йил олдин вужудга келганини исботловчи далиллар мавжудлигини баён қилишганди.

Муносабат

САМАРҚАНДНИНГ ЁШИДАН ШУБҲАЛАНМАНГ!

тарихий кашфиётлар ҳар қандай ўзгартиришлар киритиши мумкин

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг қарори эълон қилингандан сўнг уч кун ўтиб, интернет-нашрлардан бири истеҳзоли хабар эълон қилган эди.



Бундан 18 йил олдин Ўзбекистон-Франция қўшма археология экспедицияси ташкил этилиб, ўшандан бери у Африосиёда қазилмалар олиб бормоқда.

қилиб қурилганлига гувоҳ бўлишди. «Девор остида топилган сопол парчалари милоддан аввалги XII-VIII асрларда тарқалган маданиятга хос», — дейди Мухаммадхон ака.

Агар Ахамониёлар даврида шаҳар девори узунлиги 50-55, эри 28-32, қалинлиги 8-10 сантиметрли гиштардан қурилган бўлса, ундан олдинги даврда гувалаксимон гиштар ишлатилган бўлиши мумкин.

«Шу сабабли бу йилги мавсумдаги қазилмалар қўшма экспедиция томонидан ҳам Африосиёда, ҳам Самарқанд қамиди ҳайланган Кўктепада олиб борилди. Унинг натижалари қутилганидан ҳам зиёда бўлди. М. Исомиддиннинг айтишича, бу ердан бундан 3500 йил олдинги даврга тегишли топиламалар кўлга киритилди. Агар келгусида худди шундай ашёлар Африосиёда ҳам топила, ажаб эмаски, Самарқанднинг ёши яна узайса, Бунинг натижалари ривожланиши натижасида деб баҳолаш керак бўлади. Кашфиётнинг қайси миллатга мансуб олим амалга оширилганидан қатъи назар, у ҳалилик қалбида қирин бўлмаган, ҳушалиқни илм-фаннинг ягона мезони деб ҳисоблайдиган Самарқандга бутун инсониятга тегишли бўлган жаҳон тамаддунини маркази сифатида баҳо беришда-да!»

Тошпўлат РАҲМАТҲУЛЛАЕВ Муаллиф туширган суратлар

Дараклар

КОРЕЯ ВАЗИРИ БМТ РАХБАРИ БЎЛИШИ МУМКИН

Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Пан Ги Мун БМТ Бош қотиби бўлишга ақин турибди. Унинг номзодини Хавфсизлик Кенгашининг бешала аъзоси ҳам қўллаб-қувватлади.

Пан Ги Мун шу пайтга қадар норасмий тарзда ўтказилган уч овоз бериш жараёнида галабага эришди. Сўнгги овоз бериш тадбирида Бош қотиби сайлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллаган Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Буюк Британия, АҚШ, Россия, Франция, Хитой ҳам осийлик дипломат номзодини ёқди.

62 ёшли Пан Ги Мун 10 йиллик Бош қотиблик фаолиятдан сўнг 31 декабрь кuni истефогоа чиқадиган Кофи Аннанинг ўрнини эгаллайди.

Кўпчилик Жанубий Корея вазири у қадар машур сиёсатчи эмаслигини эътироф этмоқда. Кузатувчилар бу ҳолни шундай изоҳлашмоқда: БМТ бюджетининг чорак қисmini таъминлаётган АҚШ Бош қотиб лавозимида "дипломатия юлдузи"ни эмас, юқори малакали раҳбарни кўрмоқчи. Бу талабга эса корейс вазири номзоди тўла жавоб беради.

500 МИЛЛИОНЛИК МУДОФАА ДЕВОРИ

Саудия Арабистони ҳукумати мамлакатнинг Ироқ билан чегара ҳудудида химоя девори қуриш режасини эълон қилди. Бундан кўзланган мақсад қўшни мамлакатдан кириб келиши мумкин бўлган жангари қучларнинг йўлини тўсишдир.

Айтиш керакки, химоя девори қуриш режаси подшоҳликнинг умумий мудофаа стратегиясининг бир қисmidир. Саудия Арабистони хавфсизлигини кучайтириш мақсадида 12 миллиард долларлик лойиҳа эълон қилган.

Ироқ билан чегара ҳудудида тўсиқлар қўйиш билан бирга радиосенсор, камера каби махсус техник воситалари ҳам ўрнатилди. Бу эса ноқонуний миграцияни камайтиришга ёрдам беради.

Хабарларга қараганда, мудофаа девори қурилиши 2007 йилдан бошланади. Ушбу лойиҳанинг умумий молиявий қиймати 500

НОБЕЛЬ МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

Нобель мукофотининг 2006 йил тиббиёт йўналишидаги ғолиблари аниқланди. Америкалик икки олим — Эндриу Фаер ва Крейг Мело генетика соҳасидаги тадқиқотлари учун юксак мукофотга лойиқ деб топилди.

Олимлар инсон организмидagi RNA interference деб номланган хусусиятини кашф этишди. Бу эса бир қатор юқумли касаллиқлар ва саратон касаллигини даволашнинг янги йўллари очишга ёрдам беради.

Тиббиётдаги ана шу муҳим кашфиёт учун америкалик олимлар қиймати 1,4 миллион долларлик нуфузли мукофотга сазовор бўлишди.

ХУКУМАТ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛАДИ

Фаластин ҳукумати ўз фаолиятини вақтинча тўхтатади. Бу ҳақда ХАМАС ҳаракати вакили маълум қилди.

Ҳаракат вакили бу ҳолатни Исроил томонидан Фаластиннинг юқори лавозимли шахслари ўғирлаб кетилаётганига жавоб деб изоҳлади.

ХАМАС баёнотида ҳукумат ўз фаолиятини қачон ва қандай шароитда бошлаши ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

Охириги пайтларда Фаластиндаги икки асосий сиёсий ҳаракат — ХАМАС ва ФАТХ ўртасида қуроли тўқнашувлар тобора кучайиб бормоқда.

Айни пайтда мухторият ҳукумати тепасида Исмоил Хония бошчилигидаги ХАМАС ҳаракати турибди. АҚШ ва Европа давлатлари ХАМАСни террорчи ташкилотлар рўйхатиغا киритган ва мухториятга иқтисодий кўмак беришни ман қилган. Халқаро ёрдам тўхтатилган сабабли мухторият раҳбарияти давлат хизматчиларига ҳам маош етказиб беролмаётти.

Ана шундай иқтисодий қийин шароитда ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги қуроли тўқнашувлар кучайиб бораётгани вазириятни буткул издан чиқариб юбормоқда.

Нигоҳ

Россия-Грузия: ЖОСУСЛИК ЎЙИНЛАРИ

Улар ортида қандай сиёсий манфаат яширинган?

Кўп ҳолларда АҚШнинг Жоржия штати билан чалқаштириб юборилган мамлакат (инглиз тилида Грузия ҳам, Жоржия ҳам Georgia тарзида ёзилади) Россия билан юзага келган дипломатик зиддият туфайли яна 2003 йилги «Атиргуллар инқилоби» даври каби халқаро ҳамжамият нигоҳида. Бу нигоҳдан ҳам ҳаётотир, ҳам ҳайрат, ҳам ғолибона табассум, ҳам ташвиш аралаш бетакатлиқни уқиб мумкин...

«Сири очилган» айғоқчилар

27 сентябрь кuni Грузия ички ишлар вазирилиги махсус хизмати 5 нафар Россия харбий-сиёсий жосусликда айбоб хибсга олди. Одатда ташқи разведкага алоқадор бўлган иш ҳар доим ҳам катта ташвиш келтириб чиқаради. Кавказ-ортоқдаги Россия харбий қўшинининг юқори лавозимли офицерлари — Александр Сава, Дмитрий Казанцев, Александр Баранцев, Александр Загородцев ва катта «балиқ»лар орасига қўшилиб қолган мити «балиқ» — старшина Руслан Скрильковнинг қамоққа олиниши ҳам икки қўшни мамлакат ўртасидаги тулаб турган зиддият оловини гуркиратиб ёндириб юборди.

Грузия ички ишлар вазири Ван Мерабишвили шойлиқ баёнотида таъкидлашчи, хибсга олинган рус зобитлари мамлакатда агент ёллаш, махфий маълумотлар йиғиш, ҳаттоки қўрувчилик ҳаракатлари уюштириш билан шуғулланиб қолган. Дарвоқе, Россия разведка бошқармаси ҳодимлари деб таҳмин қилинаётган рус офицерлари билан бирга 11 нафар Грузия фуқароси ҳам хибс қилинган. Улар чет эл разведкасига сотилганлик ва ватанга хиёнатда айбонмоқдалар.

Грузия контраведка хизмати жиноятга алоқадор деб гумон қилинаётган яна бир рус офицери — подполковник Константин Пичугинни ҳам қидирмоқда. Махсус кучлар таҳминга қўри, офицер Кавказортоқдаги Россия харбий қўшини биносига яширинган.

Грузия ички ишлар вазирининг билдиришича, рус офицерлари маълум муддат давомида кузатиб борилган ва уларнинг айбдорлигини тасдиқловчи рад этиб бўлмас далиллар йиғилган. Мамлакат телеканалларида махсус хизмат томонидан тақдим этилган видео ва телефон ёзуви бир неча марта намойиш этилди. Тасмаларда гўёки рус офицерлари ёлланган грузин фуқароларига махфий маълумотлар йиғишга курсатма бераётгани қайд этилган. Тбилиси шаҳар суди айблов ҳодираси далилларини ўрганиб чиқиб, офи-

церларни икки ой муддат қамоқда сақлашга ижозат берди. Мазкур тергов муддати ичида офицерларга қўйилаётган айблов ўрганиб чиқилди ва иш судга оширилди. Грузия қонунларида кўра, жосуслик учун 6 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Агар жосуслик тамгаси босилган шахслар, дейлик, ўртамиёна бир давлат фуқаролари бўлганда, иш шу билан шов-шувсиз ёпилиб кетиши мумкин эди. Бироқ айғоқчилик айби билан қамоққа олинганлар Грузия расмий доираларида биринчи рақамли душман сифатида талқин қилинаётган Россия Федерацияси фуқаролари. Шундай бўлган, суд қарорининг чиқиши ишонинг ақулланаётганини эмас, эндигина бошланганини аниқлади...

«Ҳукумат даражаси» да босқинчилик

Грузия томонидан рус офицерларининг хибсга олиниши расмий Москва томонидан кескин кутиб олинди. Россия ташқи ишлар вазири воқеа муносабати билан берган баёнотида Грузия ҳукумат тартибот идоралари ҳаракатини «иғво» деб баҳолади. Ташқи сиёсат маҳамаси раҳбари Михаил Саакашвили ҳукуматини офицерларни зудлик билан озод этишга қайириқ экан, Кремль бу йўлда ҳар қандай воситани ишга солаётгани ҳам писанд қилиб ўтди.

Россия мудофаа вазири Сергей Иванов томонидан билдирилган муносабат янада кескинроқ бўлди. Харбийлар тақдирига бевосита масъул бўлган мудофаа вазири мазкур ҳодисани ҳукумат ва давлат даражасидаги босқинчилик деб баҳолади.

Офицерлар хибсга олинган куннинг ўзида Россиянинг Грузиядаги элчиси Вячеслав Коваленко Москвага маълоҳат учун қачириб олинди. Гарчи элчининг ватанга келиши дипломатик алоқалар узилганини аниқламайди, деб таъкидланган бўлса-да, бу тадбир муносабатларга жиддий пурта этганини ошқорла намойиш қилгандай бўлди. Боз устига, Россия ташқи ишлар вазирилик буйруғи билан Тбилисидagi элчихона ҳодимлари ва уларнинг оилалари тезкор равишда Москвага келтирилгани ҳам вазиёт нечоғли қалтислигини кўрсатади.

Грузия президенти Михаил Саакашвили оддий кундалик ҳуқуқий жараёндан нима учун Москва томони бу қадар ҳавотирда эканини тушуна олмаётгани билдириди. Давлат раҳбари айни шу баёнотида мамлакат махсус хизматининг мустаҳкам ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган йиғилган катта маърафатият билан табриқлашни ҳам унутмади. Бироқ президентнинг ана шу алоҳида қўлувиининг ўзиёқ бу «оддий кундалик ҳуқуқий жараён» эмаслигини очик-равшан кўрсатиб турибди.

Уз навбатида Россия сиёсатдонлари Тбилиси томонидан харбийларга

жосуслик айби қўйилаётганидан ҳайратдалар. Уларнинг фикрича, Грузияда Россия учун махфий ва номаълум бўлган сиринг ўзи йўқ...

Мақсад — йўқотилган обрўни тиклашми?..

Бир қатор кузатувчилар офицерларнинг хибсга олиниш воқеасини Грузия раҳбариятининг бой берилган обрў-этиборини тиклаш йўлидаги ҳаракати сифатида баҳолашди. Ҳақиқатан ҳам, катта сиёсатда давлатнинг бирор бир халқаро можагога аралаштириб қўйиш орқали омма эътиборини жалб этиш ва сўнгги йўл билан аҳоли эътиборини қозониш усули мавжуд. Мазкур усулдан ҳозиргача ҳам кўп ва ҳўб фойдаланилади. Грузиядаги бугунги вазиёт кузатувчиларнинг таҳминини тасдиқлаётганда...

2004 йилнинг январидан президентлик вазифасини бажаришга қиршан Михаил Саакашвилидан грузин халқи кў-ўп нарсаларни умид қилгандай. Бироқ сўнгги ижтимоий тадқиқотлар «атиргуллар инқилоби» етакчисининг халқ орасидаги обрўси кескин тушиб кетганини кўрсатмоқда. Ана шундай кунгилсиз бир ҳолатда оммага салкам ёзув дев сифатида тасвирланган давлатнинг жосуслик фаолияти фош этилиши давлат раҳбариятига муҳим очко келтириши табиий. Айниқса, мамлакат муҳим сиёсий ҳодиса — сайлов оstonида турган пайтда (Эртага Грузияда маҳаллий кенашлар учун сайлов ўтказилиши режалаштирилган).

Бу танганим биз қўриб турган томони. Хар доим эътибордан четда қолиб кетадиган иккинчи томон ҳам мавжуд.

Бир пайтлар — Совет Иттифоқи даврида улкан мамлакатнинг ажралмас таркибий қисми бўлган Грузияда Россиянинг ўзига хос манфаатлари борлигини унутмаслик керак. Гарчи Саакашвили маъмурияти сиёсий қурони аллақачон Фарб томон йўналтирган бўлса-да, хали ҳам мамлакатда Россия харбий қўчулари сақланиб қолган. Бунинг устига, Грузиядан ажралиб чиқиш ҳаракатида бўлган можаголи худудлар — Абхазия ва Жанубий Осетияда ҳам қўлдан бўён тинчликпарвар куч сифатида Россия харбийлари фаолият юритиб келмоқда. Расмий Тбилиси эса имкон қадар тез муддатда Россия харбийларидан қутулишни истади. Грузияда аниқ иқтисодий манфаатни қўлаётган, Боку-Тбилиси-Жайҳун халқаро нефть қувурини қуришга уринаётган океанорчи мамлакат учун ҳам унинг раҳобати давлатнинг бўлиши режага тўғри келмайди. Шу мазнода «Россия улкан жосуслик тизимининг йўқ қилиниши» ҳодисасини харбийлар фаолиятига шубҳа уюғитиш орқали уларни мамлакатдан тез муддатда чиқариб юбориш ҳаракати дейиш ҳам нотўғри эмас.

Хорж газеталаридан бири воқеа муносабати билан яна бир таҳминини илгартирди. Газета фикрича, жосуслик ўйинини Америка махсус хизмати уюштирган. Мақсад эса 2006 йилнинг баҳорда Федерал хавфсизлик қўчулари томонидан хибсга олинган 4 нафар инглиз разведкачисини рус офицерларига алмашиш бўлган...

Иқтисодий жазо ўз кучини кўрсатди

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров хар қандай йўл билан офицерларни озод қилиш ҳақида гапирганда айнан нимани назарда тутгани аниқ эмас. Бироқ ана шу баёнотдан кейин Грузия томонининг бундай жазорати қуроли ҳаракат билан жазоланиши мумкинлиги тўғрисидаги таҳминлар ҳам мухожма қилина бошлади. Боз устига, Россияда етакчи мавқега эга бўлган Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновнинг: «Грузиянинг бу ҳаракати урушга олиб келиши мумкин», деган мулоҳазаси хавотирли овозларнинг расмий қарорга айлантириб қўйди.

Бироқ кичик давлат билан урушиб ўтиришни эш қўрмаган Кремль Грузия масаласини БМТ Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ҳавола қилди. Дастлаб 28 сентябрьда белгиланган маълоҳат йиғилиши АҚШнинг илтимоси билан бошқа кунга қўйрилди...

Асосий ташаббускор Михаил Саакашвили ҳам қўл қовуштириб ўтирмади йўқ. Россия Грузия масаласини БМТга олиб чиқмоқчи бўлаётган пайтда у Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕОХТ) раҳбари Карел де Готт ва АҚШ Давлат қотиби Кондоллиза Райс билан телефон орқали сўхбатлашди ва керакли маълоҳатларни олди.

Кремльнинг жазо вариантлари орасида иқтисодий жазо «чоралари» ҳам бор. Саакашвили ҳукумати Москва билан даҳанаки жанг қилаётганидан кейин Россияга Грузия вноиси ва қиллоқ ҳўжжлик махсусотларни олиб кириш аллақачон ман этилган. Эндиликда эса Россия Грузияга соълётларга газ нархини янада ошириши, асосийси, мамлакатда меҳнат қилаётган мингларча грузин ишчилари пулларини ўз ватанига юборишга тақиқ қўйиш ҳам мумкин. Россия ҳукумати аллақачон Грузия билан темир йўл, авиация ва денгиз орқали

алоқаларини тўхтатган. Қўшни мамлакат билан ҳаттоки почта юборувлари ҳам ман этилган.

Иқтисодий таъсир чораси ўз кучини кўрсатди. Душанба кунини тунда хибсдаги рус офицерларни Россияга қайтарилди. Бироқ жосусликда айбонган харбийлар озод этилган бўлса-да, Кремль Грузия билан хар қандай алоқаларни тўхтатиш чорасини бекор қўлган йўқ. Москва расмийларига кўра, рус офицерларини Грузиядан олиб келган самолёт қўшни мамлакатдан келган охириги уноқ бўлиши мумкин...

Собиржон ЁҚУБОВ

P. S. Россия президенти Владимир Путин Грузия масаласида АҚШ раҳбари Жорж Буш билан телефон орқали сўхбатлашди. Россия раҳбари Оқ ўй етакчиси Михаил Саакашвилини миттақда беқарорликка сабаб бўлаётган сиёсатини қўллаб-қувватлашмаслигини маълоҳат берди...

УГО ЧАВЕСГА СУИҚАСД ҲОЗИРЛАНГАНДИМИ?

Венесуэла президенти Уго Чавес АҚШга қарши яна бир кескин баёнот билан чиқди.

Лотин Америкаси давлати раҳбарининг айтишича, Америка президенти Уго Чавес иккинчи муддатга президентликка сайланмас-

лиги учун унга қарши суиқасд ҳозирлаган. Президентнинг маълум қилишича, уни вертолётдан тушаётган пайтда винтовка билан отишни режалаштиришган. Венесуэла раҳбарининг таъкидлашича, суиқасд ҳақида унга Оқ уйдаги ҳодимлардан бири

хабар берган ва шундан кейингина жиноятнинг олди олинган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг декабрида Венесуэлада президентлик сайлови бўлиб ўтди. Кузатувчилар Уго Чавеснинг бу каби АҚШга қарши баёнотлари сайловолди тайёргарлик эканини таъкидлашмоқда.

Хушхабар

СОЛНОМА. НАСАБНОМА. БАДИАЛАР

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур таваллуднинг 670 йиллигига бағишлаб, журналист Ҳақим Сатторийнинг «Олтин силсила» китоби босмадан чиқди



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти нашр этган бу асар ўтган йилги чоп қилинган «Ҳазрат Соҳибқирон» эссе-романининг мантқиқий давоми бўлиб, унда асосий ўринни Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг солномаси ва қарийб олти юз йил тарих саҳнасида барқарор турган Темурийлар сулоласининг насабномаси ташкил этади.

Туронзаминни мўғуллар зулмидан халос этиб, мустақил давлат тузган, кейинчалик 27 подшоликни бир туг остида бирлаштирган моҳир саркарда ва давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳоҳийси Амир Темур ҳаётининг хар бир лаҳзаси шонли воқеаларга бой. 70 йиллик ҳаёт солномасида ана шу сермахсул умрининг асосий нуқталари изчил хронология асосида баён этилади.

Насабномада эса уч юз нафарга яқин шахзода ва маликаларнинг ҳаёт йўли ҳақида маълумот берилади. Аниқлиқни таъминлаш мақсадида хар бир шахсга алоҳида рақам қўйилган. Рақамлашда Соҳибқирон ўғиллари (1,2,3,4)нинг авлоди алоҳида гуруҳларга бўлинган ва фарзандлар ошиши билан рақамлар сони кўпайиб бораверади (масалан: 2.1 — Умиршайх Мирзонинг 1-ўғли, 4.3.1—Шохрух Мирзонинг 3-ўғлининг 1-ўғли каби). Бу уларни бир-биридан фарқлашни осонлаштиради ва таржиман ҳоллари ҳамда қариндошлик муносабатларини тушунишда қулайлик яратади. Маълумотлар энг ишончли манбалардан олинган, қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, китобда муаллифнинг Амир Темур шахсини қоралашга қаратилган шўро даври мафқурасининг ёлгонлигини фош этувчи, мустақиллик йилларида буюк аждодларимизга кўрсатилаётган эътибор ва эъзозни улуғловчи бадиалари ҳам киритилган.

Асарда жамланган маълумотлар ҳазрат Соҳибқирондан бошланган Темурийлар сулоласи ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишни таъминлайди.

Ибодулло ШОЙМАРДОНОВ, тарих фанлари номзоди

БУГУНГА АЙЛАНГАН ТАРИХ

«Излаб топиш, авайлаб асраш, тарғиб қилиш — бу сўзлар фаолиятимизни тўлалигича ифодалаб бера олади», — дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси Амиркул Каримов. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотнинг ташкил этилганга 27 сентябрь кuni роппа-росса 10 йил тўлди. Утган вақт мобайнида «Олтин мерос» юқоридagi уч сўзда тажассум топган халқимизнинг буюк қадимий меросини асраш борасидаги вазифаларини имкон қадар бажариб келмоқда. Жамғарма ва унинг вилоятлардаги бўлиналари томонидан беш юздан зиёд қадимий қўлёзма ва тош босма китоблар ҳамланди. Жамғарма тасарруфида уч юздан зиёд тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳлар мавжуд. Уларнинг аксарияти қайта таъмирланди. Жумладан, Ургант туманидаги «Фавс ул Аъзам», Фарғонадаги Ҳазрат Али Шохимардон, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Шомирқори авлиё, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Ҳазрати Башир ёдгорлиги обидалари янгидан таъмирланиб, уларнинг атрофи ободонлаштирилди.

Жамғарма томонидан юздан зиёд янги китоблар нашр этирилди. Кейинги йилларда чоп этилган М. Ғиждувонийнинг «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» (2003), А. Мухаммадқаримовнинг «Тошкентнома» (2004), «Tashkentnoma» (2005), Ш. Ашурованин «Кусам шайх» (2005) каби асарлари жамғарма айёмларга ўзига хос совғалардан чиқарилиди. Бурхониддин Марғинойий қаламига мансуб «Хидоя» асарининг XIV-XV асрларга тегишли қадимий ноёб нусхаси топилди. Шунингдек, ушбу фикшунос аллома авлодларидан бўлган Абулфатх Абу Бакрининг «Ал-фусул-ул-ар-баъийн» асари қўлёзмаси (1252-1253 йиллар ёзилган) топилиши ҳам Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига муносабат тўёна бўлди. Бундай нодир топилмалар ҳақида гап кетар экан, Исмоил Журжоний қаламига мансуб «Захираи Хоразмшохий» тиббий энциклопедиясини эслаб ўтмай иложимиз йўқ. Хозирда бу қўлёзма устида илмий биринчи китоби Назруллоҳ Расулзода Кўхистоний томонидан ўзбек тилига таржимани қилиниб чоп этилди. Бу ҳам Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик тўйига ўзига хос тўхфадир.

Бундай юбилейлар ўтказиш юртимизда аёнанага айланиб қолди. Зеро, биз илмий тарихга чуқур ботган халқлардан биримиз. Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейи ўтказилганига ҳам халқ кўп бўлган йўқ. Бироқ илмий излашлар натижасида аниқланган янги топилмалар бу шаҳарнинг ёшига ёш қўшмоқда. 2005 йилда ўтказилган

ЮНЕСКОнинг 33-сессиясида Самарқанднинг 2750 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. «Олтин мерос» ХХХ бу тантаналарни ўтказишда ҳам ўз хиссасини қўшиш мақсадида тайёргарликларни бошлаб юборган.

Жамғарма ҳазинасида 40 дан зиёд машур зиёлиларимиз ҳақида олинган фильмлар сақланади. Бундан ташқари жамғарма ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда яратган 7 қисмдан иборат «Ат-Термизий» фильмининг 2005 йилда Ўзбекистон телевидениеси орқали халқимиз жуда яқши кутиб олди.

«Олтин мерос» ХХХ ўзбек миллий санъати ва унарманчилик аёнаналарини чет элларда муносаб тарғиб қилиш борасида талай ишларни амалга оширмоқда. Германиядаги Жаҳон унарманчилик кўргазмасида (2002 йил), Юнонистоннинг Кавала шаҳридаги Жаҳон маданияти кўргазмасида (2003 йил), Буюк Британиянинг Экзетер шаҳрида ўтган халқаро кўргазмада (2005 йил) иштирок этиб, юртимиз санъати ва маданиятини тарғиб этилиши жамғармининг халқаро фаолиятининг намунасиридир. Бу фаолияти учун «Олтин мерос» ЮНЕСКО медалли билан тақдирланди.

Маълумки, жамғарма турли ҳамкорлар билан биргаликда миллий кўшкчилигимиз, фольклоримиз ва турли кадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришни назарда тутган 50 га яқин Республика даражасидаги тадбирлар ўтказди. Улан ижрочилари танловчи (Тошкент), Хаваскор дорбозлик ва цирк санъати ижрочилари фестивали (Андижон), Алла ижрочилари 7-аёнанавий танлови (Фарғона), Халқ театрлари Республика фестивали (Тошкент), Хаваскор мақом ансамбллари ва айтишув (диралашма) танлови (Хива), Болалар халқаро фестивали қабуллар шулур жумласидан турди. Шу кунларда жамғарма карнай, сурнай, қўшна, сибизга, бўлом каби миллий қолчулар ижрочиларининг 3-Республика фестивалига тайёргарлик кўрмоқда.

Уз ишидан фарқ туғиб юриш инсонга хос хислат, балки фазилат. Фахр тўғриси мақтанчоқликка айланиб қолмаслиги учун бунга лойиқ ишлар доим қилиниши лозим. Бунинг учун эса эзгу ният, эзгу мақсад бўлмоғи даркор. «Олтин мерос» ХХХ бир режани амалга оширар экан, ўнлаб бошқа режаларни белгилаб қўяди. Нодавлат нотижорат ташкилотининг келажакдаги мақсадлари сирасига...

Яқиниси, галдаги вазифалар тўғрисида сўз очмаган маълум. Улар ҳақида амалга ошадиган сўнг гапиримиз.

МУҲБИРИМИЗ

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини моҳдий ва техникавий кўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқини маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни».

